

## ФАРГОНАДА “ВАТАН ОСТОНАСИ” ШИОРИ ОСТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Вилоятимизнинг чегараолди худуди - Фарғона ва Бешариқ туманида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳамкорлигига “Ватан остонаси” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигига жорий йилнинг 13 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган ийғилишида ҳарбий хизматчиларнинг аҳлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тавсиялар берилган эди. Мазкур тадбирлар шу мақсадда ташкил этилди.

Фарғона туманидаги “Гулпиён” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, театр актёрлари, шоир ва ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар маҳалла аҳли, ҳарбийларнинг оила-аъзолари ва ёшлар билан учрашди. Бу ерда самимий сухбат ва қизиқарли савол-жавоблар дилтортар куй-кўшик, рақсларга уланиб кетди.

Сарҳадларимиз посбонлари томонидан ташкил этилган қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар кўргазмаси, шунингдек, шиҷоатли ҳарбийлар бажарган қўл жанги усууларининг намойиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. “Халқ ва армия – бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил ўз натижасини бераётганлиги эътироф этилди.

“Ватан остонаси” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбир Фарғона туманида жойлашган чегара қўриқлаш взводида ҳам давом этди. Бу ерда чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари билан дилдан сухбат қурилди. Ҳарбийларга китоблар совға қилинди. Юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида ўз оромидан кечиб, туну кун сергакликни йўқотмаётган аскарлар шаънига шеърлар айтилди. Она Ватанини ҳимоя қилишдек шарафли ишга бел боғлаган ҳарбийлар ва уларнинг турмуш ўртоқларига миннатдорлик билдирилди. Взводдаги тикувчилик цехи, болалар боғчаси фаолияти билан танишилди.

Ана шундай шукуҳли тадбирлар Бешариқ туманида ҳам давом этди. Нуронийлар шундай дориломон кунлар учун шукроналик билдиришди. Тарғибот гуруҳининг аҳоли ва чегарачилар билан самимий мулоқоти барчага манзур бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-09-13 10:52:15